



Gazeta  
1991-yil  
21-martdan  
chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 1-oktabr, seshanba № 119-120 (3313)

Юксак марраларни кўзлаган  
ҳар қандай  
миллат, халқ  
учун таълимни  
ривожлантириш  
ҳаёт ва мамот  
масаласидир.  
Ислом КАРИМОВ

## ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!  
Қадри дўстлар!  
Ҳар қайси одамнинг ҳаётда соғлом ва комил инсон бўлиб вояга етишида ота-онаси билан бирга муаллим ва ўқитувчининг ўрни ва аҳамияти ҳақида кўп ёзилган, кўп айтилган.  
Ҳақиқатан ҳам, инсонни инсон қилиб камол топтиришда, унга билим ва одамийлик, меҳроқибат, эзгу орзу-ниятлар билан яшаш туйғуларини синдиришда, бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг муносиб фуқароси бўлиб ҳаётга кириши ва мустақкам ўрин олишида ўқитувчи ва мураббийлар, домлаларнинг, барча таълим соҳаси фидойиларининг ҳиссаси беқиёс эканини халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Ана шундай олижаноб вазифани ўз зиммасига олган, ёш авлодимизга илму фан ва ҳаёт сирларини ўргатишдек масъулиятли ишни адо этиб келаётган инсонларнинг ҳеч нарсаси билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган меҳнатини инobatга олиб, бундан 17 йил олдин мамлакатимизда Ўқитувчи ва мураббийлар кунини таъсис этганимиз, авваламбор жамоатчилигимиз, бутун халқимизнинг хоҳиши ва интилишини ўзида муҳассам этган, десам, ўйлайманки, аини ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз юртдошлар!  
Биз бугун дунёдаги тараққий топган демократик мамлакатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаётини обод ва фаровон қилиш, халқаро майдонда Ватанимизнинг ўзига муносиб ўрин эгаллаши, лўнда қилиб айтганда, «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деган мақсадга эришиш каби ўта оғир, шу билан бирга, ўта шарафли вазифани амалга ошириш йўлида бор кучимиз, бутун борлигимизни сафарбар этиб меҳнат қилаётганимиз барчамизга аён.

Мана шундай эзгу ва юксак марраларга етишда миллий давлатчилигимизни қуриш, иқтисодиётимизни биз учун янги аснода — бозор муносабатлари негизига ташкил этиш, бутун ҳаётимизнинг маъно-мазмунини ўзгартираётган кенг қўламли ислохотларни жорий қилиш, муҳтасар айтганда, мамлакатимизнинг қиёфасини тубдан янгилаш мақсадида амалга оширган улкан ишларимизни бугун дунё ҳамжамияти тан олаётганини гуруҳ ва ифтихор билан таъкидлашга тўлиқ асосларимиз бор.

Биз кўлга киритган, барчанинг ҳавасини тортадиган ютуқ ва натижаларимиз ҳақида сўз юритар эканмиз, уларга замин бўлган омил ва меҳнат хусусида, халқимизнинг фидокорона меҳнати, онгу тафаккури, сиёсий-ижтимоий фаолиги юксалиб бораётгани ҳақида албатта кўп гапириш мумкин.

Лекин, шулар қаторида, авваламбор, биз ўз вақтида бошлаган ва амалга оширган таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар, узқичи кўзлаган, чуқур ўйланган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимни ривожлантириш давлат умуммиллий дастури хал қилувчи ўрин тутганини алоҳида қайд этиш зарур.

Ҳеч шубҳасиз, бу борада янгича фикрлайдиган, ўзлигини, қадр-қимматини чуқур англайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни, чет тилларни пухта эгаллаган, ҳеч қандам кам бўлмайдиган ёшларимиз ҳақиқатан ҳам бизнинг суянчимиз ва таянчимиз бўлиб, биз бошлаган ишларни давом эттиришга қодир эканини бугунги ҳаётимизда исботлаб бераётганининг ўзи барча эришган ютуқ ва марраларимизнинг асосий мезони ва шартли бўлди, десак, асло хато бўлмайди.

Шу муносабат билан бир фикрни таъкидлаб айтишни ўринли деб биламан: биз билим ва тарбия бериб вояга етказиб турган навқирон ўғил-қизларимиздек, қийинчилик ва синовлар олдида бош эгмайдиغان, ўз Ватани, ўз халқига хизмат қилишга бел боғлаган, янгиликка интилиб яшайдиган, ғайрат-шижоатга тўла, кўзлари ёниб турган ёш авлодимиздек авлод дунёда ўзи камдан-кам топилади.

Ана шундай соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги фидойи меҳнатингиз учун сиз, азизларга — ўқитувчи ва мураббийлар, устоз ва домлалар, олим ва олималарга ҳар қанча тасаннолар айтсак, таъзим этсак, арзийди, албатта.

Хурматли дўстлар!  
Биз бугун қандай шиддат билан ўзгараётган, ўзаро рақобат ва манфаатлар кураши тобора кучайиб бораётган мураккаб бир даврда яшаётганимиз ҳаммага маълум.

Бундай кескин рақобат, айниқса, илм-фан, таълим-тарбия, илмий-техник тараққий соҳасида яққол намоён бўлаётганини кўриш, англаш қийин эмас.

Ҳозирги вақтда дунёдаги етакчи олимлар ва экспертлар орасида кенг тарқалётган фикрни

инобатга оладиган бўлсак, давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳақида гапирганда, улар, биринчи навбатда инсон капиталини, таълим ва илм-фан соҳасини ҳозирги замон тараққийнинг хал қилувчи кучи сифатида кўраётган, уларнинг ривожини учун катта маблағ ажратаётган ва кенг имконият очиб бераётган давлатгина бу инқироздан янада кучли бўлиб чиқишини башорат қилаётгани бежиз эмас, албатта.

Бугун ўтган давр мобайнида амалга оширган ишларимизни ҳолисона баҳолаб эканмиз, таълим-тарбия соҳасида ҳали қиладиган кўпгина вазифаларимиз борлигини, ўз ечимини кутаётган долзарб муаммоларни хал қилиш, энг муҳими, бу борада бошлаган ислохотларни манتيқий яқунига етказиш, уларнинг ярим йўлда қолиб кетишига, ўзибўларчиликка йўл қўймаслик зарурлигини ҳаммамиз яхши тушунаемиз.

Авваламбор, барча таълим муассасалари, хусусан, умумтаълим мактаблари ва лицей-колледжларни давр талабларига мос ҳолда ривожлантириш, замонавий жиҳоз ва ускуналар, ўқув лабораториялари ва устахоналар билан таъминлашни давом эттириш, янги таълим стандартлари, дастур ва қўлланмаларни жорий этиш масаласини энг муҳим вазифамиз сифатида кўришимиз даркор.

Мамлакатимизда шаклланган узлуксиз таълим тизимининг юқори босқичи бўлиши олий ўқув юрталарининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, юксак малакали мутахассис ва кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида уларнинг фаолиятини такомиллаштириш эҳтиёжини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу борада кўзланган режаларни амалга ошириш ва уларни молиялаштириш учун Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш фонди ташкил этилгани, ҳар йили давлат бюджетидан аини шу йўналишларга катта ҳажмдаги маблағлар ажратилаётгани алоҳида эътиборга лойиқ.

Юртимиздаги эски, яъни, икки босқичли аттестация тизимидан воз кечиб, иқтисодий ривожланган давлатларда қабул қилинган стандартларга мос равишда, тўғридан-тўғри фан доктори унвонини олиш бўйича диссертация ёқлаш тизимига ўтганимиз ва бу йўналишда тўб ўзгаришлар амалга оширилаётгани олий таълим соҳасидаги кенг қўламли ислохотлар йўлида янги бир амалий қадам бўлди.

Энг асосийси, бундай ишларимиз, аввало, институт ва университетларимиздаги ўқув жараёнларини, уларнинг юксак талабларга жавоб берадиган малакали кадрлар тайёрлаш салоҳиятини дунёдаги илгор олий ўқув юрталари даражасига кўтариш, ушбу билим даргоҳларида фидокорона меҳнат қилаётган домлаларни нафақат моддий ва молиявий нуқтаи назардан рағбатлантириш, балки уларнинг нуфузи ва ҳурмат-эътиборини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бугунги кунда юртимизда барпо этилган, ўзаро узвий боғланиб, бир-бирини тўлдирадиган, уч босқичдан иборат узлуксиз таълим тизимини — бу умумтаълим ёки ўрта махсус, касб-хунар таълими бўладими, олий таълим соҳаси бўладими — буларнинг барчасини ягона бир гоё, умумий бир мақсад бирлаштириб турганини ҳаммамиз яхши англаймиз.

У ҳам бўлса, жондан азиз фарзандларимизни жаҳон илм-фани чўққиларини забт этган, чуқур билим ва ўз мустақил фикрига эга бўлган етук инсон ва мутахассислар этиб тарбиялаш, барча куч ва имкониятларимизни шу йўлда сафарбар этишдир, десак, олдимизда турган буюк вазифанинг маъно-мазмунини ифода этган бўламиз.

Биз сиз, азизлар — мактаб, лицей ва коллежларда, олий ўқув юрталарида, умуман, таълим соҳасида меҳнат қилаётган юз минглаб ўқитувчи ва мураббийлар, домлалар тимсолида эл-юртимизнинг келажаги, ҳаёт-мамотини хал қилувчи таълим ва тарбия соҳасига бамисоли жон бағишлаётган қудратли кўчани кўраемиз ва юксак баҳолаймиз.

Сизларнинг Ватанимиз раванки ва тараққийти йўлида кўшаётган юксак ҳиссангиз учун, ёш авлодни вояга етказиш, ҳаётга йўллана бериш йўлидаги беқиёс хизматингиз, бегараз меҳнатингиз учун барча ота-оналар, миллионлаб ўқувчи ва талабалар, бутун халқимиз номидан яна ва яна бир бор чуқур миннатдорчилик билдириб, сизларга сийҳат-саломатлик, оилаларингизга бахту саодат ва файзу барака, ишларингизга янги омадлар тилашга руҳсат бергайсиз.

Доимо омон бўлинг, азиз ва меҳрибон устозлар!

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти



## Таъзим сизга, меҳридарё устозлар!

«Туркистон» саройида Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Ватанимиз келажаги, тараққийоти, жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори кўп жиҳатдан ёш авлоднинг қай даражада камол топишига боғлиқ. Бу масъулиятли вазифани адо этишда ўқитувчилар, устоз ва мураббийларнинг хизмати беқиёс.  
Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлод камолоти йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликда ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш устувор ўрин тутди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъсис этилган ва бир неча йилдан буён кенг нишонланаётган 1 октябр — Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тадбирларда бу жиҳатлар яна бир бор ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.  
...30 сентябр куни мамлакатимиз таълим соҳаси раҳбарлари, фаол ўқитувчи ва мураббийлар мамлакатимизнинг бош майдонидаги ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бунёд этилган «Марифат маркази» мажмуи, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий

боғи, замонавий иншоотлар, таълим, маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш муассасалари фаолияти билан танишдилар.

Шу кун «Туркистон» саройида Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Байрам тадбирига сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, таълим соҳаси фахрийлари, илгор ўқитувчи ва мураббийлар, тарбиячилар, маънавий тарғиботчилари, маҳалла фаоллари тақдирландилар.

(Давоми 2-саҳифада).

### Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Президентимиз Ислом Каримовнинг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган гоё ва ташаббуслари асосида «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиб, аини пайтда кенг муҳокама қилинмоқда.

## Ижтимоий шериклик самараси

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг жадал ривожланишига эришиш ҳамда уларнинг амалга оширилаётган ислохотлар очик-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашдаги ролини янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этди.

Бугун ижтимоий шериклик тушунчаси кенг маънони англатади. Буни аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқ, манфаат ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, экологик муаммоларни хал қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб

этиш, тарихий-маданий ёдгорликларни асраш, урф-одатларимизни, хайрия фаолиятини, миллий маданий ўзига хосликни сақлаб қолиш ва ривожлантиришда ННТлар билан давлат органларининг ўзаро ҳамкорлик муносабатларида кўриш мумкин.  
— Вилоятимизда тўрт юз олтидан зиёд нодавлат но-тижорат ташкилоти фаолият юритмоқда, — дейди Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Тошкент вилояти худудий бўлинимаси масъул ходими Илбў Дастонов. — Унинг уч юз ўттизтаси худудларда, яъни шаҳар ва туман-

ларда иш олиб бормоқда. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан вилоятда ўтказилаётган давра суҳбатлари, семинар-

биркорларнинг соҳага оид билимларини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ижтимоий шериклик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.  
Тошкент вилоятидаги кўплаб ННТлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг грантига сазовор бўлмоқда. Улар ижтимоий шериклик доирасида қишлоқ врачлик пунктлари шифокорларининг соғлом турмуш тарзи ва касалликларни профилактикасига оид малакаларини ошириш, фермерлар учун консултатив маҳлаҳат марказлари очиб, экологларга махсус қўлланмалар ишлаб чиқиш, ёшларни бирлаштириш каби йўналишлар бўйича муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда.

Х.САЛИМОВ,  
ЎЗА муҳбири

# Таъзим сизга, меҳридарё устозлар!

(Давоми. Бошланиш  
1-саҳифада).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Истиқлолнинг дастлабки кунларидан таълим тизимини тубдан ислоҳ этишга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умулмиллий дастури, Болалар мусика ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури мустақил ва соғлом фикрли авлоднинг воғда етказиш, юксак малакали мутахассислар тайёрлашда муҳим омил бўлаётди.

Мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларининг деярли барчаси капитал реконструкция қилиниб, тубдан таъмирланди ва ўнлаб янги мактаблар қурилди. Айни пайтда мактабга таълим муассасалари, махсус мактаб-интернатлар, «Баркамол авлод» болалар марказлари, болалар ва ўсмирлар спорт, мусика ва санъат мактаблари, педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолиятини давр руҳига мос тарзда йўлга қўйиш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўқитувчиларнинг малака ва маҳоратини ошириш, самарали меҳнат қилиши учун барча шароит ва имкониятларни яратиш, меҳнатини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жиҳатлар халқ таълим тизимида меҳнат қилаётган 410654 нафар ўқитувчи фаолиятида ўз

ифодасини топмоқда. Педагоглар меҳнатини рағбатлантириш борасидаги гамхўрлик туфайли ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон Халқ таълим вазирлиги тизимидаги 3465 нафар устоз ва мураббий Ватанимизнинг юксак унвонларига, орден ва медалларига сазовор бўлди. Улар орасида Ўзбекистон Қаҳрамонлари борлиги янада қувончлидир.

Президентимизнинг 2013 йил 27 сентябрдаги фармонига мувофиқ бир гуруҳ ўқитувчи ва мураббийлар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Мактабларга ёш мутахассис кадрларни кенг жалб қилиш, уларнинг илмий-иқтисодий салоҳиятидан унумли фойдаланиш масаласи ҳам доимий эътиборда. Жумладан, жорий йилда 7065 нафар ёш мутахассис янги ўқув йилида умумтаълим мактабларида иш бошлади.

Педагог ходимлар меҳнатини рағбатлантиришга оид амалга оширилётган илмий чора-тадбирлар натижасида ўқитувчиларнинг ўртача меҳнат ҳақи 2006 йил 1 сентябрга нисбатан 9 баробар оширилиб, 2013 йил 1 сентябр ҳолатига уларнинг ўртача маоши 867276 сўмини ташкил этди.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори хорижий тилларни ўрганиш бўйича ёш, истеъдодли педагоглар сафини янада кенгайтириш, хорижий тилларни билиш даражасини юксалтиришда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Ушбу ҳужжат замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўсиб келаётган ёш авлоднинг чет тилларга ўқитиш, хорижий тилларни пухта биладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳада халқроҳамкорликни ривожлантириш учун қўлай шароит ва имкониятлар яратмоқда. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари уни-

верситети, бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги умумтаълим мактабларининг инглиз, немис, француз тили ўқитувчиларини қайта тайёрлаш, билим ва малакасини юксалтириш бўйича қўллаб-қўллаш муваффақиятли амалга оширилмоқда. Хусусан, 2013-2014 ўқув йилида чет тили ўқитувчиларига бўлган эҳтиёж таҳлил этилиб, амалдаги ўқитувчиларнинг педагогик юксакликларини 1,5 ставкагача ошириш, бошқа чет тили ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг ишга келиши ҳусобида қўллаш чоралари қўрилди.

Давлатимиз раҳбарининг 12 нондаги ўқув қуроллари, мактаб сумкасидаги иборат совғаси таркибидан инглиз тилидан «Kid's english», немис тилидан «Deutsch macht Spaß», француз тилидан «Nigondelle» дарслик мажмуалари яратилиб, бу йил 1-синфга борган 528972 нафар ўқувчига тўхфа этилди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида таълим-тарбия жараёни устидан жамоатчилик назорати тобора оширилиб, барча умумтаълим мактабларида «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги жамоат кенгашининг фаолияти йўлга қўйилди. Бу маърифий-маънавий ишлар сифатини доимий таҳлил этиб бориш, ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқиши ва иштиёқини тобора қўжайтириш, 9-синфни тамомлаган ўқувчиларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилаётган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» республика кўрик-танлови илғор, ташаббускор, фаол, фидойий педагогларни аниқлаш, уларнинг иш тажрибасини оммалаштиришга хизмат қилмоқда. Тадбирда мазкур кўрик-танловнинг жорий йилги голибларида диплом ва

совринлар топширилди.

— Президентимизнинг биз, ўқитувчиларга кўрсатаётган улкан меҳр ва эътиборидан кўнглимиз тоғдек ўсиб, қалбимиз чексиз фахрга тўлмоқда, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактаби математика ва информатика фанлари ўқитувчиси Турғун Азларов. — Жаҳон аҳлининг ҳавасини тортаётган бундай кенг имтиёз ва имкониятлар, ёшлар таълим-тарбиясига қаратилаётган улкан эътибор юртимиз келажак бўлган ёш авлод тарбияси учун масъулиятни астойдил ҳис этишга, билдирилган юксак ишончини ҳалол меҳнатимиз билан оқлашга, унга муносиб бўлишга даъват этади.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбек Миллий академик драма театри директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Махмуд Исмоилов, Ўзбекистон Қаҳрамони, Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 5-умумтаълим мактаби директори Анара Махмудова, Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги «Соғуний» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муаттар Эшмухамедова таълим фидойилари меҳнатини ардоқлаш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор ва гамхўрлиги учун Президентимизга миннатдорлик билдирдилар.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокиде катта концерт намойиш этилди. Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмухамедова, Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎА муҳбири.  
Аъло АБДУЛЛАЕВ  
(ЎА) олган сурат



Несебели Сейтимбетова қарийб ўттиз йилдан бери Нукус политехника касб-хунара коллежида ўқитувчилик қилади.

Бугун унинг ўзи ҳам қўллаб-қўллаб тарбиялаган тажрибали устоз. Айни пайтда информатика фани бўйича ўқув-услубий қўлланма ва тест тўллавлари яратди. Кўргазмаларни қуроллар, слайдлар, кичик дастурлар ишлаб чиқиб, амалиётга жорий қилди. Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали ҳамда Ажиниёв номидаги Нукус давлат педагогика институтининг Информатика кафедраси билан доимий мулоқот унинг машғулотлари янада таъсирчан ўтишида қўл келмоқда.

Мамлакатимизда сидқидилдан қилинган меҳнат сира эътибор қолмайди. Президентимизнинг Ватанимиз мустақиллигининг йилгирма бир йилги арафасида эълон қилинган фармонига биноан Н.Сейтимбетова «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси» фахрий унвони билан тақдирланди. Бу эса юртимизда устоз-мураббийлар доим эъзозда эканининг амалдаги яна бир тасдиғидир.

Суратда: Несебели Сейтимбетова ўқувчилари билан. Мақсад ХАБИБУЛЛАЕВ (ЎА) олган сурат

## Илмий-амалий анжуман

# Тарихчи олима шарафига

Тарихий ҳақиқатни тиклаш, ўтмишнинг реал воқелиги ҳақида тасаввур ҳосил қилишда бирламчи манбаларни ўрни беқис. Араб, форс, туркий, хитой ва бошқа тиллардаги қўлдан келган манбаларни ўрганиш, ўша замон муҳити ва инсонлар дунёқарашини тўғри англаб етиш, асарлардаги керакли маълумотларни илғай олиш ва уни факт сифатида фанга қиритиш тарихчи зиммасига катта масъулият юклайди.

Ўқитувчи ва мураббийлар кун муносабати билан Теуририйлар тарихи Давлат музейида Ўзбекистон Фанлар академияси бирлашган касба уюшмаси қўмитаси, Фанлар академияси тарих институти, «Шарқ аёли» халқаро аёллар фонди ҳамкорлигида таниқли олима, профессор Розия Муқимина таваллудининг 90 йиллигига бағишлаб «Марказий Осиё тарихи замонавий медиавистика талқинида» республика ил-


мий-амалий конференциясини ташкил этди. Конференцияда Розия Галиевна бутун фаолияти долзарб масалаларини тадқиқ этгани, ҳозирги кунда унинг ишини шоғирдлари давом эттираётгани таъкидланди. Ўзбекистон тарихининг илк ўрта асрлардан то XIX асрнинг биринчи ярмигача бўлган давридаги давлатчилик, қонунчилик, дипломатик институтлар ҳамда хунарандчилик, савдо, маданий ҳаёт тарихига оид масалаларни қамраб олган илмий маърузалар тарихнинг янги қирраларини очиб берди.

Конференцияда Фанлар академияси Ёш олимлар кенгаши, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Ёшлар кенгаши ҳамда касба уюшма фаоллари, юртимиздаги ва хорижлик тарихчи олимлар, оммавий ахборот воситаси вакиллари иштирок этдилар.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,  
«Ishonch» муҳбири

## Ёшлар — ҳал қилувчи куч

Маълумки, билимли ва изланувчан ёшларда масъулиятни чўқур ҳис қилиш, ишончини оқлашга иштиёқ кучли бўлади. Улар ўзларига юқлатилган вазифани сидқидилдан бажариш билан бирга янгидан-янги истиқболли гоёларни илгари суришга интилаверяшда. «Камолот» ЕИХ Қашқадарё вилоят кенгашида «Иқтисодий-ижтимоий ва ҳуқуқий лойиҳалар» бўлими мудири лавозимида ишлаб келаётган Махлиё Шукурова ҳам ана шундай серҳаракат, жамоат ишларида фаол, касбига фидойий ёшлардан.



# Изланиш завқи

У Деҳқонobod агросанoат касб-хунара коллежида ўқиб юрган кезларидоёқ «Камолот» ЕИХ бошланғич ташкилотини аъзоси сифатида турли тадбирларда ўз билим ва салоҳиятини намойиш этди. Интеллектуал ўйин ва викториналар, кўрик-танловлар Махлиёсиз ўтмайдиغان бўлди. Унинг иштирокдорини ифода этувчи фахрий ёрлик ва дипломлар кўпая борди. Шулардан бири — «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг голиблик сертификати унинг «Рационализиаторлик тақдирлари ва техника ишланмалар» йўналиши бўйича вилоят босқичида голиб чиққани учун берилган...

Коллежни тугатиши биланоқ «Камолот» ЕИХнинг туман кенгашига ишга тақдир қилинди. У бу ерда «Камалак» болалар ташкилоти раиси сифатида иш бошлади. — Болалар билан ишлаш қизиқарли, — дейди М.Шукурова. — Ўғил-қизларнинг 10-14 ёш оралиғида иқтидорни шакллана бошлайди. Турли тадбирлар уларнинг қобилиятлари тезроқ юзага чиқишига имкон яратлади.

Махлиё 2010-2011 йилларда «Камолот» ЕИХнинг Деҳқонobod туман бўлими кенгаши раиси вазифасини бажарувчи бўлиб ишлаб, ёшларни ўз ортидан эргаштира олди. Ташкилот мутасаддис сифатида чекка-чекка қўшқолларда ёшлар ўртасида турли кўрик-танловлар, учрашув ва тадбирлар уюштириб, фаол сафдошларини кўпайтирди.

Фаоллик ва меҳнатсеварлик эътиборсиз қолмади, албатта. 2011 йил 18 август санасида Махлиё Шукуровага «Камолот» ЕИХ Марказий кенгаши томонидан «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишон берилган бўлса, орадан кўп ўтмай, «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишон топширилди.

«Ақл ёшда эмас, бошда» деган нақлнинг исботини Махлиё Шукуровага нисбатан ишлатиш тўғри бўлса керак. Чунки, 2011 йилнинг декабр ойида уни янада масъулиятлироқ вазифага ўтказишди, энди у «Камолот» ЕИХнинг Қашқадарё вилоят кенгашида «Ёшларда нотиклик санъати, истеъдод ва кўникмаларини шакллантириш» тўғраги раҳбари сифатида ишлаб бошлади.

2012-2013 йилларда эса «Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш» бўлими мудири бўлди. Шу ўринда бўлим томонидан ташкил қилинган «Сиз қонунни биласизми?», «Ёш ҳуқуқшунослар», «Депутат ва ёшлар» каби қатор ёшлик анжуманлари ҳамда учрашувлар эртамиз эгаларининг ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаш ўринлидир. Шунингдек, Махлиё жорий йилда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан ўтказилган «Ёш мутахассислар» Форумида иштирок этди.

Форумда турли соҳаларда меҳнат қилаётган тенгдошларимиз билан фикр алмашиш, — дейди у. — Ёшлар билан ишлаш, уларни қўллаб-қувватлаш, зарур шарт-шароит яратиш бўйича илгор тажрибалар билан ўртоқлашилди.

Айни вақтда «Камолот» ЕИХ вилоят кенгашида «Ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий лойиҳалар бўлими» мудири бўлиб ишлаётган Махлиё Шукурова шундай дейди:

— Бизнинг энг катта вазифамиз аждоқларимизга армон бўлган мустақиллигимизни авайлаб-асраш, уни янада мустаҳкамлашдан иборатдир. Бу мақсад навқирон қалбимиздан доимо янги зафар чўққилари сари илҳомлантириши зарур.

А.АБДИЕВ

Тарбиячи, ўқитувчи. Устоз. Мураббий. Бу сўзларнинг ҳар бири ўз маъно-моҳиятига эга бўлса-да, уларнинг асосий мазмуни биттагина Муаллим калимасида мужассамдир.

Нуфузли халқаро ташкилотлардан бирортаси аҳолисининг саводхонлиги бўйича жаҳондаги мамлакатлар рейтингини ўтказганми, йўқми, билмайман, лекин шунақа рейтинг ўтказилмаган бўлса, Ўзбекистоннинг биринчи ўринини эгаллаш шубҳасиздир. Чунки, бу юрtdа гўдақларни истисно қилганда, саводсиз инсоннинг ўзи йўқ.

Шу жиҳатдан олганда мамлакатимизни тўлиғича маърифат маскани, маънавияти юксак миллат ватани, десак асло муволафа бўлмайди. Бу эса айнан Муаллим, дея эъзозланмиш дарёдил, бағрикенг, савоатли, заҳматқаш, фидойий зотларнинг меҳнати самарасидир.

Маълумки, юртимизда саводли кишиларнинг қадри азалдан банд бўлган, уларни кўзи очик, оқ-қорани таниган, зиёли шахс сифатида эъзозлашган. Шунинг самараси ўлароқ, охири минг йилликнинг ўзидо диёримизда туғилиб ўсган ўнлаб олимлар жаҳон миқёсидаги устозларга айланганлар. Ўнлаб уламолар ислом оламида доврўқ қозонганлар.

Истиқлол йилларида нафақат илм-фаннинг, билимнинг, балки билимдонларнинг ҳам нуфузи янада ошди. Ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол қилиб ўстириш давлат ёлмаси даражасига кўтарилди. Бу эса ўз-ўзидан муаллимларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрнини юксалтирди. Ушбу шарафли касб эгалари энг бообуру ва ҳурматли зотларга айландилар.

Мана ўн етти йилдирки, юртимиздаги муаллимлар касб байрамларини нишонлаб келишмоқда. Ушбу сананинг умумхалқ тантанасига айланиши ҳам шу соҳа эгаларига юксак эҳтиромдан далолатдир.

## Табиики, мактаб остонасига қадам қўйганимиздан бизнинг қўлимизга қалам бериб, алифбони ўргатган биринчи ўқитувчимиз сиймосини, дунёга кўзимизни очиб берган мураббийларни, бу улўф зотларнинг фидокорона меҳнатини доимо ҳурмат-эҳтиром билан эслаймиз ва қадрлаймиз.

Ислам КАРИМОВ

Муаллимларнинг бу қадар эъзозланиши бежиз эмас. Ҳадиси шарифда «Олимлар — пайғамбарларнинг меросхўридир», дейилади. Бу улўф зотларнинг айтилганига қарийб бир ярим минг йил ўтапти. Ўша даврларда олим дейил-

болалик пайларида бир четга олиб чиқадилар-да, кўкрак қафасларини ёриб, юраги қаьридан бир бўлак қон парчасини олиб ташлайдилар. Ровийлар шу тарзда бир ярим минг йил ўтапти. Ўша даврларда олим дейил-

Муаллим ўз сурати ва сийратидо шундай олийжаноб хислатларни мужассам этгани, унинг ҳар бир қиррасини мушоҳада эта туриб, беҳтиёр хайратга тушсан, киши.

Бу хислатлардан биринчиси, дарёдиллик ёки бағрикен-

# Муаллим

ганда теран билимга эга, ислом дини қоидаларини мукамал эгаллаб, авом халқнинг саволларига жавоб беришга, уни тўғри йўлга бошлашга қодир бўлган илм соҳиблари назарда тутилган бўлса ажаб эмас. Зеро, Оллоҳ таоло томонидан пайғамбарлар зиммасига инсонларни маънавий-ахлоқий қамолотнинг тўғри йўлига бошлаш топширилган бўлса, олим уламолар, яъни муаллимлар чекига маърифат маънасини банд кўтариб, бу йўлларни замонлар оша ёритиб боришдек шарафли вазифа тушган.

Ушбу хикматнинг маъносини ўйлаганда, ҳаёлга муаллимлар касби-қори, феъл-атворида кўра фаришталар авлодидан эмасмикин, деган фикр келади. Бу Ҳадиси шарифга тақлидан айтилган гап ёки шоирона ташбеҳ эмас, балки айни ҳақиқатдир. Гап шундаки, ривоятларда нақл қилинишича, иккита фаришад одам қўёғасида келиб, Мухаммад пайғамбаримизни

ган, деб шарҳлайдилар. Биз билан бир заминда ёнма-ён яшайдиган, бир ҳаводан нафас оладиган муаллим отлиг мўътабар зотларнинг фазилатлари, бугунги кун ва келажак олдидоги беназир хизматлари ҳақида ўйлаганда, уларга ҳам ўша самовий фаришталарнинг хислатлари ато этилгандек туюлади. Боиси, улар танлари ва жонларидоги меҳр-муруватни саҳийлик билан сарфлаб, мурғак ва покиза кўнглиларга маърифат ва маънавият ёғдуларини — инсонийлик илмини жойлаштирадигулик, яхшилик, тўғрилик, ҳалоллик, мардлик, жасурлик йўлига даъват этадилар, уларга Ватанини, халқини севиниши, ҳаётини, табиатини, инсонни қадрлашни ўргатадилар. Қирмиликнинг пиллаполаридан етаклаб, улар қалбига эзгу фазилатларни сингдиришга, ўз юртининг ҳақиқий эгаси, халқининг асл фарзанди қилиб воғда етказишга умрларини бағишлайдилар.

Масалан, деҳқон бирор экинни экиш олдидан уруғ ёки кўчатни саралайди, навини танайди, иқлим ва тупроқ шароитига мос ёки мос эмаслигини чамалаб кўради. Хунаранд бирор буюмин ясаш олдидан ишлатилдиган хом ашёларнинг сифатини, хуриятларининг инобатга олади, қайси бирини қай тарзда ишлатишни режалаштиради.

Муаллим эса ҳеч қачон болаларни танламайди, буни халёлига ҳам келтирмайди. Феъл-атвори турли-туман отаноларнинг ҳар хил оилавий шароитда ўсган, ўша муҳит таъсирида ижобий ёки салбий хусусиятлар табиатига синга бошлаган феъл-атвори олақура болаларнинг ҳаммасини ўйланмай, иккиланмай ўз бағрига олади ва барчасини бир куз билан кўриб, бир кўнгли билан тарбиялашга киришади. Ота-она — улўф, фарзандни дунёга келтирган, жону ҳақонини бахшида қилиб, тарбият этаётган бу инсонларнинг маънавияти унча-мунча таърифта



**Истиклол таълим тизимининг изчил тараққий этишига кенг имкони- ятлар яратди. Хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доираси- да асрга татигулик ишлар қилинди. Бунда касаба уюшма ташкилот- ларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлаш жоиз- дир. Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Райҳон НОСИРОВА шундай дейди:**

— Бухоро азалдан она-Вата- нимизнинг илм-маърифат ва маънавият ўчоғидир. Билим- лар беллашувининг республи- ка босқичида аниқ фанлар на- тижалари бўйича вилоятимиз жамоаси 16 та диплом билан фахрли биринчи ўринни эгал- лагани ҳам фикримиз исботи- дир. Эъзоз ва эҳтиром сифа- тида 37 нафар иқтидорли ўқув- чимиз касаба уюшмалари то- монидан ташкил этилган «Кўёшли» ёзи интеллектуал ривожлантириш оромгоҳида дам олдирилди. Вилоятимизда 954 та таълим муассасаси: 534 та умумтаълим мактаби, 345 та мактабгача таълим муассаса- си, 14 та «Баркамол авлод» болалар маркази, 40 та болалар ва ўсмирлар спорт макта- би, 19 та мусика ва санъат мактаби ҳамда педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институ- ти фаолият кўрсатмоқда.

Мактабларда ишлаётган 24140 нафардан ортиқ педаго- гининг 18189 нафари аёллар- дир. Педагогларнинг 628 на- фарини олий, 5507 нафари 1-то- ифага эга. Директор жамғар- малари ҳисобидан 10379 на- фар ўқитувчи устама тўлов- лар белгиланган. Касб маҳора- ти учун 10379 нафар, синфдан ташқари ишлари учун 6143 на- фар, 5136 нафар ўқитувчи ус- таманинг иккала турини олаёт- гани ушбу касб вакиллари меҳ- нати қадр топаётганининг ёрқин тинимлидир.

«Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг Республика босқичида Жондор

# Эзгулик — илм-маърифатда

туманидаги 49-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси Хабиба Қора- ева 1-, Ғиждувон туманидаги 63-ихтисослашган давлат умумтаълим мактабининг француз тили фани ўқитувчи- си Раъно Нарзуллаева, Жон- дор туманидаги 26-мактабининг информатика фани ўқитувчиси Шўҳрат Жониев ва Шофиркон туманидаги 4-мактабининг ма- тематика фани ўқитувчиси Ни- луфар Латипова 2-ўринини эгаллаб, вилоятимиз рейтингини янада юқори кўтардилар. Туман (шаҳар) миқёсида 104 нафар, вилоятда 14 нафар, республикада 5 нафар ўқитув- чининг илғор тажрибалари ом- малаштирилди.

Юксак маънавиятли, муста- қил фикрлайдиган, ўзининг қатъий ҳаётий эътиқод ва қарашларига эга ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларни турли маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш мақсадида таъ- лим муассасаларида ҳар ойда «Маънавият ҳафталиклари» ташкил этилаётгани маънавий маърифий ишлар самарадор- лигини оширишда муҳим омили бўлмоқда.

«Ҳарбий ватанпарварлик» ойлиги доирасида «Ватан

химояси — муқаддас бурч!» шиори остида таълим муасса- саларида «Аждодлар учрашу- ви», «Эъзоз» ва «Эҳтиром» номли маънавий-маърифий тадбирлар, «Аждодлар қаҳра- монлиги — ёшларга ибрат» мавзусида тарбиявий соатлар ҳамда «Ватаним тақдирини — ме- нинг тақдирим» мавзусида иншо, расм, деворий газета ва фотосуратлар танловлари ўтказилди.

Март ойида «Мен обод юрт- нинг озод қизиман», «Муқад- дас аёл», «Жаннат оналар оёғи остидадир» «Устозим — онам» мавзуларида танловлар, ўқувчи-қизлар ўртасида «Спорт маликаси» мусобақалари бўлиб ўтди.

«Ер қуррасида тинчлик» расмлар кўрик-танловида Шо- фиркон туман 16-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси М.Расуллова, Меҳрибонлик уй- лари тарбияланувчилари ўрта- сида ўтказилган «Камалак жи- лоси» Республика болалар расмлари кўрик-танловида Крокин Салават 1-ўринларни эгаллашди. Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин.

Баркамол авлод — юртимиз тараққийнинг мустақкам пойдеворидир. Бугун вилоят-

даги 88 та ўрта махсус, касб- хунар таълими муассасасида 87988 нафар ўқувчи таълим- тарбия олиш баробарида касб-хунар сирларини ўргато- моқда. Утган ўқув йилида ака- демик лицей ва касб-хунар коллежларини 26164 нафар ўқувчи 100 та мутахассислик

бўйича битирди. Ўз бизнеси- ни ташкил қилиб, тадбиркор- лик фаолияти билан шўғулла- ниб истагини билдирган бити- рувчилардан 153 нафарига ти- жорат банклари томонидан 1 млрд. 376,2 млн. сўм миқдори- да имтиёзли кредитлар ажратилди.

Утган йили ўрта махсус таълим тизими бўйича ўтказилган Республика олимпиада- сида вилоятдан 42 нафар ўқувчи иштирок этиб, 9 та дип- лом билан республикада 3-ўринини эгаллади. Ушбу муваф- фақиятга Бухоро Давлат уни- верситети қошидаги 3-ака- демик лицей (5 та диплом!), БЮТМИ қошидаги 1-акаде- мик лицейи ҳамда Бухоро юри- дик ва маиший хизмат касб- хунар коллежи ўқувчилари ало- ҳида ҳисса қўшдилар. 1-акаде- мик лицейи ўқувчиси Б.Нарзул- лаев физика фанидан 91,75 балл тўлаб, 1-ўринини эгалла- ганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бундан ташқари, Қорақўл академик лицейи ўқувчиси Зуфар Бобоев кимё фанидан Қозғистон Респуб- ликаси Алмата шаҳрида бўлиб ўтган халқаро олимпиадада иштирок этиб, диплом билан тақдирланди.

47-Халқаро Менделеев олимпиадасида Қорақўл ака- демик лицейининг ўқувчилари А.Ҳамроқулов, Р.Ҳазратқулов, С.Ғазлиев бронза медали со- хибига айланган.

Албатта, бу каби хайрли иш- лар тармоқ касаба уюшма ташкилотларининг жонбозлиги

млн. 500 минг сўмлик фойсиз ссудалар берилди. Олий ўқув юртларида тахсил олаётган 19 нафар талаба учун 14 млн. 71 минг сўм тўлов-шартнома пуллари тўланди. Фарзандла- ри 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган 102 нафар ёш онага моддий ёрдам кўрсатилди.

«Ҳеч ким меҳр ва эътибор- дан четда қолмасин» акцияси доирасида 20 нафар яқка- ёлғиз, касалманд, ногирон хо- димга касаба уюшма маблағи ҳисобидан дори-дармон олиб берилди, 84 нафар беморнинг ҳолидан хабар олинди. Шунингдек, 6 нафар уруш ва меҳнат фахрийсига моддий ёрдам кўрсатилиб, 31 нафар кам таъминланган қарияга озик-овқат махсуслотлари етказиб берилди.

Иқтидорли ёшларни қўллаб- қувватлаш мақсадида 86 нафар кам таъминланган оила фар- зандалари ва ўрта махсус, касб- хунар таълими тизими ўқувчи- ларига устама стипендиялар ажратилди.

«Касаба уюшмалари — бо- лаларга» акцияси доирасида Ғиждувон кенгаши 50 нафар кам таъминланган коллеж ўқувчисига пойабзал, Қорақўл туман кенгаши эса мактабдо- ди оромгоҳлари учун спорт жиҳозлари олиб берди.

Акция доирасида 115 нафар кам таъминланган оила фар- зандаларига 2 млн. 800 минг сўмлик кийим-бош, 35 нафар болага спорт кийимлари, 27- 123-махсус мактаб-интернет- ларда таълим олаётган 96 на-

фар ўқувчига байрам совғала- ри ҳадя этилди.

Тарихий шахарларга 792 на- фар, Бухоро шаҳрининг тари- хий обидалари, зиёратгоҳлари ва муस्ताқиллик иншоотларига 3451 нафар касаба уюшма аъзосининг саёҳати уюшти- рилди. 1062 та ташкилотда кас- саба уюшмалари томонидан ўтказилган «Маънавият соатла- ри» да 106890 нафар ходим ҳамда талаба ёшлар иштирок этди. Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини спортга жалб этиш мақсадида туман ва ша- ҳар миқёсида 22 та мусобақа, Ромитан, Шофиркон, Олот ту- ман кенгашлари томонидан таълим тизими ходимлари ўртасида спартакиадалар ўтказилди.

Республикамиздаги санато- рий ва дам олиш ўйларида 479 нафар ходимнинг 124 нафари ихтимойий суғурта, 355 нафари касаба уюшма маблағлари ҳисобидан соғломлаштирилди.

Соғломлаштириш мавсуми- да 86 та мактабдоди оромгоҳи- да 10289 нафар ўғил-қиз дам олди. Болаларни овқатланти- риш хомий ташкилотлар маб- лағлари ҳисобидан ташкил этилди. Мактабдоди оромгоҳ- лари учун Қорақўл туман ҳамда Когон шаҳар кенгашлари томо- нидан спорт жиҳозлари олиб берилди. Ромитан, Вобкент, Когон туман кенгашлари кас- ба уюшма маблағлари ҳисоби- дан «Зарафшон», «Гулхан», «Ёш автомобилчи» шаҳарорти оромгоҳларида тармоқ ходим- ларининг 830 нафар фарзанди соғломлаштирилди.

Бу каби утуқлар, ҳеч шубҳа- сиз, истиқлол йилларида таъ- лим соҳасида амалга оширил- ган ишларнинг натижасидир.

«Ishonch» муҳбири Амина ҚОДИРОВА ёзиб олди

**Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Асака туман кенгаши Соҳа ходимларини касб байрами билан самимий қутлайди! Устоз ва мураббийларга соғлиқ-саломатлик, улкан зафарлар тилайди!**

**Зиёлилар оиласи**

Самарқанд шаҳридаги Сўзангорон тиббиёт коллежи ўқитувчилари Акмал Қўйланов ва Лобар Қуролова оиласи намунали ёш оилалардан.

Ёшлар камолоти йўлида беш йилдан буён биргаликда меҳнат қилиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлиб келаётган Акмал ва Лобар илм-маърифатни юксак кадрларга ҳамда бахтининг асосини айнан шунда, деб билади.

**Суратда: Саодат-манд хонадон эгалари фарзандлари Рухшона ва Ақобир билан.**

Алишер ИСРОИЛОВ (ЎЗА) олган сурат

**Ибрат**

Муқаддас китобимизда «Тангри гўзал, у гўзалликни севади», деб ёзилган. Гўдак улғайиб борар экан, нима яхши-ю, нима ёмон, гўзаллик нима деган саволларга дастлаб яқинларидан, сўнгра таълим масканларидаги устозларидан жавоб олади. Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 198-умумтаълим мактабининг расм ва чизмачилик фани ўқитувчиси Раҳметжон ака Мухамедов мурғак қалбларга гўзаллик, нафосат ва эзгулик улашаётган фи- доий устозлардан.

да омалаштирилди. Раҳметжон ака Россияда малака ошириб, рус амалий безак санъати- нинг «Хохлама», «Димковские игруш- ки» ва «Гжел» турларини ўрганди, улардан намуналар келтириб, Тош- кент шаҳар тасвирий санъат ўқитув- чиларига ўргатди. Орадан йиллар

воқларга ҳам расм ва безаклар бе- риш йўлга қўйилди. Албатта, машаққатли меҳнат бе- самар кетмайди. «Сакура» ва «Ни- хол» тўғараги ўқувчиларидан М.Ах- медов, У.Ҳикматов, О.Обидов, К.Ах- медова, Ш.Қуддусова, М.Муҳидди- нова тасвирий санъат бўйича ну- фузли олий ва ўрта махсус ўқув юртларини имтиёзли тамомлаб, ус- тоз ишончини оқлаб келмоқдалар.

Сунгги йилларда ўқувчиларнинг томошақовққа безак беришга қизиқишлари ортиб, эртак қаҳра- монлари, миниатюра ва манзара жанрига эътибор қаратмоқдалар. Қовоқлар эса шундоққина мактаб ҳовлисида экилиб, болаларнинг ўзлари парвартиш қилмоқдалар.

Раҳметжон аканинг оиласини ҳеч иккиланмай зиёкорлар оиласи дейиш мумкин. Умр йўлдоши Қурбан Ниязова биотехник лаборант, қизла- ри Элмира ҳам ота изидан бориб, мазкур мактабда ёшларга расм ва чизмачилиқдан дарс бермоқда. Кў- ёви шарқшунос олим, уч нафар на- биралари бор. Улар бобосидан расм чизиш сирларини ўрганишмоқда.

Умрини келажак авлод маънави- яти ва унинг руҳий гўзаллигини шакллантиришга бахш этиб келаёт- ган Раҳметжон Мухамедов чиндан- да бахтли инсон. Зеро, саховатли инсонгина ўзида борини бошқалар- га улашиб, бундан завқ олади.

**Аукцион савдолари хабарномаси.**

«КО'CHAR MULK SAVDO SERVIS» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси охиб бориш тартибида ўтказилаётган очик аукцион савдоларига тақлиф этилди.

№	№	Тавар	Масъул	Башарат	№	№	Тавар	Масъул	Башарат
1	1	Трансформатор КТНН 63/10-042	Анас	1	2 536 351	14	№1-ТА3-3102	Анас	1
2	2	Вар-серватор	Анас	1	184 372	15	Полена белая	Анас	1
3	3	Эк. диванет (на обивал)	Анас	1	92 393	16	Шоф. армянский	Анас	1
4	4	Ручей (на обивал)	Анас	1	86 234	17	Степ	Анас	1
5	5	Огрозный степ	Анас	1	172 738	18	Степ	Анас	1
6	6	Огрозный степ	Анас	1	172 738	19	Степ	Анас	1
7	7	Огрозный степ	Анас	1	172 738	20	Метал. олов. (на олов.)	Анас	7
8	8	Огрозный степ	Анас	1	172 738	21	Магнитный	Анас	20
9	9	Огрозный степ	Анас	1	431 844	22	Серебряный вагончик КД.306	Анас	1
10	10	Огрозный степ	Анас	1	431 844	23	Серебряный вагончик	Анас	1
11	11	Турист (метал)	Анас	1	225 851	24	Серебряный вагончик	Анас	1
12	12	Шофёрский степ	Анас	1	114 979	25	Серебряный вагончик	Анас	1
13	13	УАЗ36993	Анас	1	819 010			Анас	1

Талабгорлар диққатига.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун бюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш қўлири 2013 йил 5 сентябр кунига қадар соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади. (13.00 дан 14.00 гача тушиш).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузилмадан зақалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фойзи миқдордаги зақалат пуллари тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нуҳаси, ҳужуқий шахслардан давлат рўйхатидан утганини тўғрисидаги гувоҳнома, устави нуҳаси ва савдода қатнашувчи ишончли вақил учун тасдиқланган ишоннома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси голлибига 10 кунлик муддат ичида олди-соти шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-соти шартномаси тузилганда белгиланади.

# Гўзаллик ижодкори

Унда болаликдан рассомчиликка ҳавас баланд эди. Узича расмлар чизар, мактаб деворий газеталари- ни безади фаол иштирок этарди. Мактабни тамомлаб, П.Беньков но- мидаги бадий билим юртида ўқиш учун Тошкентга келди. Аммо у бир ойда кечиккан эди. Орқага қайтиш- га уялиб, қурувчи бўлиб ишга кир- ди. Фишт терши, бетон ишларини мукаммал эгаллади. Аммо рассом- чиликка бўлган муҳаббат унга тинчлик бермас эди.

Нижоят, 1973 йил орзуи уш- либ, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг «Расм ва чизмачилик» факултети- нинг кечки бўлимига ўқишга кир- ди. Педагогик фаолиятини 1978 йил октябр ойдан бошлади. Ҳамза ту- манидаги 215-, 198-мактабларда

тасвирий санъат ва чизмачилик фа- нидан дарс берди. 1983 йил эса за- мон талабига мос тарзда безатил- ган «Сакура» номли рассомчилик- чизмачилик тўғарагини ташкил этди. Мазкур тўғарақда қаламтас- вир, ҳайкалтарошлик, чизмачилик чуқурлаштирилган ҳолда ўргатилар- ди.

Касбга, болаларга муҳаббат ва фидойилик аста-секин ўз меваси- ни бера бошлади. Пластининдан ясалган ҳайкалчаларни узоқ муд- датга сақлаш, рельефларни пла- стининда ишлаб қолиб олиш, уни қаттиқ жисмга ўхшатиб гипсда қуйиш ва металл рангини бериш, лаклаш ишлари йўлга қўйилди. Аввал туман, кейин шаҳар миқёси- даги кўрғазма ва танловларда со- вринли ўринлар, дипломлар қўлга киритилди. Бу республика миқёси-

Орамиздаги одамлар

Кўлимиздан ушлаб харф ёзишни ўргатган биринчи ўқитувчимизни ҳеч биримиз ёддан чиқармаймиз. Фахр ва ифтихор билан тилга оламиз. Кўп йиллардан буён бошлангич синф ўқувчиларига ўз меҳри ва билимини улашиб келадиган ўқитувчи Дилдора Абдуллаева ҳам минглаб шогирдларини маърифат йўлига бошлаб, эъзоз ва эътибор топган устозлардан. У Қарши шаҳридаги 39-ўрта умумтаълим мактабида ишлайди.



Илмга ошурфта дил

Дилдора опа, бошлангич синф ўқувчиси деганда, ҳали болаликнинг шўхлиқлари тўймаган, айтганингизни қилишдан кўра, ўртоқлари билан мириқиб ўйнашни хуш кўрадиган ўғил-қизларни кўз олдимизга келтирамиз. Улар билан ишлаш, албатта, қийин. Сиз нега айнан бошлангич таълим йўналишини танлагансиз?

Оиламизда беш фарзанднинг ўттинчиси бўлганман. Дадам Яхшимурод ака шифокор, онам Зулфия опа мактабгача таълим муассасасида тарбиячилик қиларди. Бош фарзанд бўлганим учун укаларим ва синглимнинг дарсларини тайёрлатардим, улар билан соатлаб шуғулланишдан эринмасдим. Қолаверса, биринчи муаллима Норсулов опа Шомуродованинг ўқитиш услуби узгача эди. У дарс давомида синфдаги 35 нафар ўқувчининг ҳар бирини фанларга қизиқтира оларди. Устозимда «билмасвой»ларга нисбатан «Сени қанча ўқитган билан одам бўлмайсан», деган кескин хулоса ҳеч қачон бўлмаган. Ҳатто, энг қоққ ўқувчининг қалбига йўл топиб, унинг ўзлаштиришини яхшилашга эриша оларди. Устозимдаги касбга бўлган муҳаббатга ҳавас қилардим. Бу ҳавас мени Қарши Давлат университетига бошлади. Бу ерда «Бошлангич таълим» йўналишида ўқидим. Олий ўқув юртини тугатгач, вилоят марказидаги 39-ўрта мактабга ишга келдим. 1995 йилда ишга тушган ушбу мактабда менга юқори синфлигимда устозлик қилган Дилором опа Рашидова (жойилар жанада бўлсин) раҳбар эди. У менга оналарча меҳр кўрсатди, гўдакни етаклагандек иш жараёнида яқин кўмакчи бўлди.

Мен ишлаётган мактаб замон талабларига тўла жавоб беради. Ҳаттоки, болажонларига ҳам бошлангич компютер сабоқларини бериш имкони бор. Таълим масканимиз раҳбари Гулнора опа Нуруллаева барча ўқитувчиларни бирдек кўради, ҳар бир ходимнинг ҳолидан хабар олади, бирор муаммо бўлса, ечимига кўмаклашади. Бир сўз билан айтганда, бахтли муаллимаман, деб бемалол айта оламан.

Шундай кулоқсиз болалар бўладими, уларда ўқишга меҳр уйғотиш қийин кечади. Бундай ўқувчиларни қандай тарбиялаш лозим?

Бу саволингизга фаолиятимда учраган мисол билан жавоб қайтарсам. Мавзуларни ўзлаштиришда орта қолаётган ўқувчининг кундалик дафтарига икки-уч марта оғохлантириш хати ёзиб юбордим. Ниҳоят, боланинг онаси ёнимга келиб, вазиятни тушунтирди.

Ўғлимни уриб ҳам, сўкиб ҳам дарс қилдира олмаймиз. Дадаси калтаклай-верганидан дийдаси қотиб кетди боланинг. Бирор маслаҳат бериш, нима қилайлик? Унинг гаплари мени ўйлантириб қўйди. Суриштирсам, улар ўғлининг хато ва камчиликлари учун фақат жисмоний жазо қўллашар экан. Онага ётиги билан тушунтирдим.

Ўғлингиз бор-йўғи ўн ёшда. Уй вазифасини бажармагани учун калтаклаш, ўта қаттиққўллик қилиш яхшиликка олиб келмайди. Уни меҳрибонлик билан йўлга солинг. Уй вазифаларини бажаришга қийналса, кўмаклашинг. «Жавоҳиржон, сен ақли боласан. Кел, иккимиз дарс тайёрлаймиз. Бу қўлингдан келади. Ахир сен яхши ўқийсан-ку», десангиз, бола гапингизга кулоқ солади.

Шу тариха ўқувчининг феъл-атворидан келиб чиқиб, ота-онасига зарур маслаҳатлар бериб бордим. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, боланинг кўрсаткичлари яхшиланди, топшириқларни масъулият билан бажарадиган, ҳатто, дарсдан бўш вақти уй юмушларига ҳам қарашадиган бўлди. Ушбу ўзгаришдан кейин ота-оналар билан ҳамкорликни аниқ режа асосида олиб бориш керак экан, деган хулосага келдим ва шахсий ҳаракат дастурини ишлаб чиқдим. Бундан қўзланган бош мақсад таълим-тарбияда ўқитувчи ва ота-онанинг бир-бирига кўмаклашиши эди. Бунинг учун, аввало, боланинг вақтини тақсимлашга эътибор қаратилади. Яъни, кун тартибидан тиниқчи ухлаши, уй вазифаларини бажариши, маънавий ҳордиқ чиқариши, овқатланиши, спорт билан шуғулланиши ва бошқа нарсаларга отарлича вақт ажратилиши ўқувчининг ҳар томонлама ривож-

ланишини таъминлайди. Меъёридан ортик телевизор кўриш, компютер қаршида ўтириш болани толиқтирса, назоратсизлик — тарбияни издан чиқаради.

Бола онгига уй вазифасини бажариш шарт, деган қатъий тушунчани шакллантириш, ўқиши ва фанларни ўзлаштиришда кўмаклашиш даркор. Агар ота-оналар мана шу талабларга риоя қилса, педагог асосий вақтини янги мавзуларни тушунтиришга қаратиб, ўқитишнинг сифати ва самараси ошади.

Тарбиясига алоҳида ёндашув талаб этиладиган болалар учун эса вазиятдан келиб чиқиб, ушбу йўналишларни янада такомиллаштириш мумкин. Ахир 30 ўқувчининг ўттиз хил феъл-атвори бор. Баъзи ўқувчилар меҳрибонлик кўрсатсангиз ўқиса, бошқаси раббатлантириш орқали, яна бошқа бири қаттиққўллик эвазига ўтилган дарсни ўзлаштиради.

Бир неча йилдан буён юқоридаги таъриб асосида иш олиб бораман. Натияжада, ўқувчиларим интизомни яхшилади, энг муҳими, ота-оналар фарзанди тақдиринга бефарқ қарамайдиган бўлди.

Тасаввур қилинг-а, ота-онаси кўмағида масалани тўғри ечган бола ва ўзи мустақил ишлаб, баъзи бир хатоларга йўл қўйган бола... Айтинг-чи, улардан қайси бирининг қобилияти яхши ривожланади?

Ота-она кўмағи деганда, математикадан берилган масалани ечиб, ўғлига «қўчириб ол» дейишни тушунмаслик керак. Тайёр жавобни кўчириб олган ўқувчидан нотўғри бўлса-да, ўзи ҳаракат қилиб ечган болани қўллаб-қувватлайман. Унга йўл қўйган хатоларини айтсангиз, буни ўзлаштиради. Жавобни кўр-кўрона кўчириб олган болани «доска»га чиқариб, мисол бериб кўринг-а, қараб тураверадими.

Айрим ўқувчилар уй вазифасини ўқитувчидан кўрқани учун тайёрлашади. Ўзи хохлаб, масъулиятни ҳис этиб дарс қилган болалар яхши томонга тезроқ ўзгаради.

Сир эмас, ҳозир баъзи ўқувчилар математикадаги мисол амалларини калкулятор ёрдамида ечиш йўлига ўтган. Бунга қандай муносабат билдирасиз?

Бош қотирмасдан тайёр жавобни кўчириш ўз устида ишлаш қобилиятини чеклайди. Бола кўр-кўрона кўчиришга ўрганиб қолади. Аммо менинг ўқувчиларим орасида фаол бўлишни йўқ.

Ноанъанавий дарс ўтиш — давр талаби...

Албатта. Ҳар бир дарсни турли кўргазмалар қўроллаб ёрдамида қизиқарилиб ўтишга, ўқувчининг фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаман. Масалан, «Ўқиш» дасида «Тўли ва турна» эртагини ўтдик, дейлик. Шу кунни мактабга қозғодан тўли ва турна ясаб бораман. Дарс сўнггида «Қани, эртага ким чиройли қилиб эртақ қаҳрамонларини ясаб келади?», деб ўқувчиларга топшириқ бераман. Болалар топшириқни бажонидил бажаришади ва шу тарихда уларда яратувчанлик, ижодкорлик қобилиятлари ривожланади.

«Хўроз ва жўжача телевизор кўриб ўтирибди», деган кўргазмалар қўролимиз бор. Ясама телевизор экранига бир неча сўз ёзиб мисолни акс эттираман ва сўрайман: «Телевизор»даги сўзни хўроз биринчи бўлиб ўқийдими ёки жўжача?». Болажонлар сўзни ўқийди ёки математика дасида «экрандаги» мисолни қизиқиб ечишади...

Бу каби қаҳрамонларимиз кўп... Мақолани мактаб директори Гулнора Нуруллаеванинг фикрлари билан яқунлашни лозим топдик:

Қачонки, ўқитувчи ўқувчиларга меҳрини бериб, ортидан эргаштира олса, ўтиладиган ҳар бир сабоқни уларнинг онг ва шуурига сингирса, бу дарсдан унинг ўзи ҳам руҳий қувват олгандек бўлади. Дилдоракан ана шундай ўқитувчилардан. Ўз устида тинимсиз ишлайди, ўқувчиларни яхши кўради. Бола тарбиясида мактаб ва ота-она ҳамкорлигини чуқур йўлга қўйиб, намунали, билимга интилувчан ўқувчиларнинг кўпайишига эришмоқда. Бемалол айтиш мумкинки, бундай жонкуяр устозлар кўпайиши ҳар бир таълим масканининг бойлиги ва фахр-ифтихоридир.

Ақмал АБДИЕВ сўхбатлашди

Шогирд эътирофи

Мен билган устозларнинг ҳаммаси ҳам кўп ўқиган, кўп ёзган, маърузалар қилган, кўплаб шогирдлар чиқарган, бир дунё китоб тўплаган инсонлардир. Яна шундай домлар борки, уйдан меҳмон аримайди. Уларнинг аксари шогирдлар ва талабалар бўлади. Шундай домлардан бири филология фанлари доктори, профессор, фан арбоби, устоз Абдуғафур Расуловдир.

Ўтган йил битирувчи курс бўлганимизда домларнинг уйда меҳмонда бўлганимиз. Тўғрироғи, биз талабалари билан яқиндан суҳбатда бўлиш, мақсад-режаларимиз билан танишиш учун устознинг ўзларидан ташаббус чиқди. Талабалар сони кўп бўлганилиги учун ҳам икки гуруҳга бўлиниб бордик (87 нафар талаба ахир!). Мен иккинчи гуруҳда эдим. Биз — гуруҳдошлар дарснинг қандай бўлганилигини биринчи гуруҳдан суриштириб, умумий тасаввур ҳосил қилиб улгургандик. Йўл давомида домлага берадиган саволларимизни режалаштириб бордик. Ҳамма тўплангач, домла лекцияларини бошладилар. Биз ҳаммамиз ёза кетдик. Домла ўз устози академик Натан Маллаев ҳақида аслаганда: «Устоз эшикдан кириб, маъруза бошлаб, бу ҳолат дарс сўнгигача давом этарди. Эшик тағдида туриб лекция ўқиган ҳолатлари кўп бўлган. Ҳар бир дарсда ун икки варақли катта дафтар тўларди. Кўп ёзганимиздан кўларимиз шийиб кетарди. Бор-эй, ёзмайман

дердик, аммо ёзмаслиқнинг иложи йўқ эди. Ниҳоятда кўп маълумот айттардилар», — дегандилар-у, аммо ўзлари «ёздирадиган домла» эмасдилар. Бирок бу гал хиёл кўп ёздирдилар.

Бағрикенглик сабоғи

Дарс тинлангач, савол-жавоб айира бошладик. Домла таниган, кўрган, сўхбатларини олган, устоз-шогирдлик қадрдонлиги бўлган домлар ҳақида ҳам савол бериб, маълумот олишга интилдик. Хотираларни эслаш домларнинг ўзига ҳам ёқиб тушди. С.Айний, С.Хусайн, Ойбек, Б.Файзиев, У.Носирлар ҳақида эшитган, ўқиган, шахсан гувоҳ бўлган воқеаларни, маълумотларни сўзлаб бердилар.

Одатда, домларнинг уйига борилганда, улар жамлаган китобларга қизиқилди. Домламиз китоб билан биргаликда адабий нашр сонларини ҳам тўлаб юрарканлар. Битирув малакавий ишим

«Шарқ юлдузи» журнали ҳақида бўлганлиги учун эътиборимни ойнама сонлари тортди. Домлада журналнинг 1961 йилдан буён эълон қилинган нашрлари сақланаркан. Салкам 51 йиллик журнал! Домла ўзларининг «Илми ғарибани кўмсаб...» номли китобларини бизга совға қилдилар. Биз дастхат олганимиз шодик. Сўнг биз кутган палла — фотосессия бошланди. Яққаш, гуруҳ ҳолатида сурат тушавериш домлари толиқтириб ҳам кўйдиқ чамаси... Дарс сўнггида устоз билан ширингина паловни еб, суҳбатни давом қил-

ди. Кетар чоғимиз домла узоқ дуо қилдилар. Илоҳим, рўёбини кўрайлик! Биз ютуқларга эришганимизда домла ҳам ёнимизда бўлсинлар!

Мана, ўқишни ҳам тамомладик. Битирув малакавий иши ҳимоясида ҳам келган ота-оналаримиз, дўстларимиздан уялмайдиغان даражадаги баллар билан баҳолангандик. Бугун турли жаҳаларда меҳнат қилаймиз. Кўпчилигимиз ўқитувчи бўлдик. Талаба эканимизда домларимизнинг ўз устозлари ҳақида кўп сўзлашлари сабабини унчалик тушунавермасдик. Бугун эса ўзимиз уларни эслаймиз, улардан эшитганларимиз-

ни хотирлаб, ўқувчиларимизга гапириб берамиз. Бунинг сабаби, эҳтимол, шогирд ўзини доим устоз олдида имтиҳонда тургандек ҳис этаверишидандир балки.

Ўқитувчи — инсон руҳияти меъмор, дейишади. Чиндан ҳам, инсоннинг қандай бўлиб шаклланиши олган таълимга боғлиқ. Чинакам устоз бўлганинг, бу — ҳар бир масалада сенинг хулосанга қизиқиб ва уларни ҳақиқат ўрнида қабул қиладиган ўқувчиларнинг бўлишида, менимча. Мана шунда билинадики, устоз масъулияти нақадар оғир.

Ўқитувчиларга нисбатан «Мунча қийин касбада ишлайсиз, қандай чидайсиз?», деган саволлар берилганини кўп эшитамиз. Ҳақиқатан ҳам, қандай чидашаркин-а? Сенга берилаётган саволларга ҳар доим энг тўғри жавобинг бўлиши керак. Бу касб эгалари учун чинакам қичан зарур.

«Ўқитувчи ҳеч қачон бойимайди», деган гапларни ҳам тез-тез эшитамиз. Эҳтимол шундайлар. Лекин ҳаммада йўқ бойлик уларда-ку! Бу бойлик тўплаган билимлари, йиққан китобларини-у ҳаёти давомида етиштирадиган шогирдларидир.

Бугун мен ҳам ўқитувчиман. Демакки, келажакда дунёдаги энг қучли, энг бой одам бўлам!

Озода МАМАДАЛИЕВА

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Жалақудуқ туман кенгаши

Устоз ва мураббийларни, жонкуяр соҳа ходимларини касб байрамлари билан қутлайди. Машаққатли меҳнатларингиз ўз рўёбини топсин!



Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ғиждувон туман кенгаши ҳамда туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими

Ёш авлод келажаги, бахт-саодати йўлида фидойилик кўрсатаётган азиз ва мўътабар устозларни 1 октябр — Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан қизғин табриклайди. Уларга сўҳбат-саломатлик, узоқ умр, фаровон ҳаёт ва баркамол авлод таълим-тарбияси йўлидаги шарафли ишларида зафарлар ёр бўлишини тилайди. Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз устозлар!

Мактабгача таълим муассасаларида

Эртақларда халқ ҳикматлари мужассам. Айнан шунинг учун ҳам улар орқали кичиктойларнинг мурғак қалбига эзгу хислар сингдирилади.

Жиззах шаҳридаги «Юлдузча» номли 7-мактабгача таълим муассасаси таърибли педагог Муножот Муродова раҳбарлигида «Семир» гуруҳи тарбияланувчилари ўртасида «Эртақлар оламга саёҳат» мавзусида кунюқ тадбир ташкил этилди. Саҳна деворлари мавзуга доир фотосенд, сурат ва турли кўргазмалар билан безалди. Дастлаб, тадбир катнашчилари «Зийраклар ва топқирлар» ҳамда «Яхши болалар» гуруҳларига бўлиниб, «Эртақ нима? Қандай эртақ турларини биласиз? Эртақлар бизга нималарни ўргатади? Ўзбек ёзувчилари ёзган эртақларни биласизми? Хориж ёзувчиларидан-чи? Уларнинг асарларини номма-ном санаб бера оласизми?» каби анкета саволларига жавоб беришди.

Эртақлар оламга саёҳат

Гуруҳ аъзолари эртақларни эсга олиш, улардаги қаҳрамон ва ёр-соннаж номларини ифодалаш, уларга тақлид қилиш каби шартлар бўйича фаол бўлишди. Кроссворд, бошқотирма ва топшиқлар бир-галикда, ҳамжиҳатликда ечилди. Шундан сўнг улар эртақлар оламга саёҳат уюштириб, ажойиб турлар ҳақида, турли хайвонлар, турфа хил қўш ва ҳашаротлар номидан ўзбек ва инглиз тилларида саҳна кўринишлари намойиш этишди, ёддан шеърлар айтишди. Тадбир сўнггида янги чиққан эртақ китоблари кўргазмаси ташкил этилди. Фолиблар боғча маъмурияти ва касаба уюшма кўмитасининг совғалари билан тақдирланди. Тиниб-тинчимас педагоглар Шахло Нишонова ва Машхура Эшонқулова раҳбарлик қилаётган гуруҳларда ҳам соғлом ва яхши муҳит яратилган. Уларнинг ижодкорлиги тўғрисида дунёга келган «Семир» йўналиши коллекцияси болажонларнинг фикрларини жамлаб, раван тилда гапиришида қўл келати. Жумладан, «Тўққуз», «Тўли ва турна», «Кўноқ одамлар» каби кўплаб ҳаракатли ўйинлар муҳим аҳамият касб этмоқда. «Сичқон мушукдан қандай кутулди?», «Қайси хайвонлар қаерда яшайди?» каби мантиқий ўйинлар кичиктойларни эҳқили ва топқир бўлишга ундайди. «Хато қилма» математик йўлида эса улар санада ва ҳисоблашда ўзларининг билимларини синаб кўришади. Ҳозир кўйриқоч ва турли ўйинчоқлар сони 200 дан ошиб кетди. Шунингдек, олти ёшли болалар ўртасида вақти-вақти билан логопед-суҳбат, савол-жавоб, тест, турли ўйинлар ўтказилиб, натижадан баҳоланиб борилаётган. Айни кунда муассаса 140 нафар болажонни ўз бағрига олган. Дилшода БАХОДИРОВА, «Юлдузча» номли 7-МТМ мудираси

Реклама ва эълонлар

Китоб жавонингизга

Савол ва жавоб дунёнинг асосини ташкил қилади. Чунки оламда бор жамики нарсалар шу икки сўз орқали ўрганилади. Зеро, Холиқ ва махлуқ ўртасида ҳам кун келиб савол-жавоб бўлиши қудусий китобларда баён этилган.

Мўъжаз қўлланмалар

Атрофинидаги борлиқни фанлар орқали ўрганган эканмиз, албатта кўрган ё ҳис қилган ўзимизга нотаниш нарса ҳақида «Бу нима, қандай нарса, бошқа нарсалар билан реакцияга киришганда не жараён содир бўларкин?», каби саволлар пайдо бўлади. Бу ҳодиса, айниқса, аниқ фанлар доирасида фаол ва қизиқарли кечади.

Масиға мўлжалланган. Қизиқарли саволлар ҳар бир китобхонни ўзига жалб этади. Масалан, «Абу Али ибн Сино анжирнинг қуюқ шиннисини билан қайси касалликларни даволаган?», «Ёхуд «Ер юзиде доғларнинг қанча тури бор?». Жавобларга қизиқайтандирсиз?!

Яқинда «Dizainpress» нашриётида «Кимёдан 808 қизиқарли савол ва жавоб», «Кимё фаёди» тизимидан тавзүлаштирилган sinov savollari javoblari bilan» ҳамда «Биологиядан 1666 қизиқарли савол-жавоб» номига учта услубий қўлланма чоп этилгани ҳам юқоридеги фикримизнинг далилидир.

Рисолавлар улкусиз таълим муассасалари ўқувчи-талабалари, ўқитувчи ва профессорлар, шунингдек, кенг китобхонлар омига мўлжалланган. Қизиқарли саволлар ҳар бир китобхонни ўзига жалб этади. Масалан, «Абу Али ибн Сино анжирнинг қуюқ шиннисини билан қайси касалликларни даволаган?», «Ёхуд «Ер юзиде доғларнинг қанча тури бор?». Жавобларга қизиқайтандирсиз?!

Ю.Махмудов, З.Холмирова, Б.Элмуродов, С.Сотимуродов сингари илм фойдалари тайёрлаган ушбу мўъжаз манбалар биология ва кимё фанларига оид минглаб ана шундай саволларга жавоб беради. Табиийки, илм йўлида босилган ҳар бир қадам эртанги куннинг янада порлоқ, Юртбошимиз айтганидек, фарзандларимиз биздан кўра чуқли, билимли ва албатта бахтли бўлишига хизмат қилади.

Моҳичехра АВАЗОВА

«Auto Trade Cooperation» МЧЖ ва унинг филиалларида 2013 йил 6 сентябрдан 30 сентябргача очик аукцион савдоларида сотилган мулклар тўғрисида маълумот.

«Чирчиқ авиация таъмирлаш заводи» давлат корхонасига қ-ли 1977 йилда и/ч, «МАЗ-500А(Т3-7.5)» р-ли, д/р 11А0434 ав-на, б/б 6 856 300 сўм, с/б 7 843 000 сўм, 1988 йилда и/ч, «УАЗ-3303101» р-ли, д/р 10/549LAA ав-на, б/б 3 023 000 сўм, с/б 3 524 000 сўм, 1985 йилда и/ч, «МАЗ-5335» р-ли, д/р 11А1918 ав-на, б/б 4 633 400 сўм, с/б 5 343 000 сўм, 1988 йилда и/ч, «КамАЗ-54112 сполуприцепом Одаз-9370» р-ли, д/р 11А1917 ав-на, б/б 16 341 900 сўм, с/б 18 638 000 сўм, 1989 йилда и/ч, «КРАЗ-250» р-ли, д/р 10/436КАА, ав-на, б/б 7 179 300 сўм, с/б 8 184 000 сўм, 1990 йилда и/ч, «УАЗ-39621» р-ли, д/р 10/450КАА, ав-на, б/б 4 258 500 сўм, с/б 4 887 000 сўм, 1990 йилда и/ч, «УАЗ-3151» р-ли, д/р 10/392МАА, ав-на, б/б 4 208 600 сўм, с/б 4 832 000 сўм, 1985 йилда и/ч, «Трактор по-грузочный УН-053 гидравлический» р-ли, инвен № 3699 ав-на, б/б 7 328 400 сўм, с/б 6 8 355 000 сўм, 1969 йилда и/ч, «Грузовой автоприцеп 2-ПН-4» р-ли, инвен №3536 ав-на, б/б 1 223 400 сўм, с/б 1 479 000 сўм, 1970 йилда и/ч, «Грузовой автоприцеп 2-ПН-4» р-ли, инвен №3538 ав-на, б/б 1 223 400 сўм, с/б 1 479 000 сўм, 1980 йилда и/ч, «Трактор Т-150К» русумли, инвен №3724 ав-на, б/б 5 879 900 сўм, с/б 6 706 000 сўм, 1973 йилда и/ч, «Прицеп ПЦ-6.7» русумли, инвен №3554 ав-на, б/б 2 620 300 сўм, с/б 3 070 000 сўм, 1986 йилда и/ч, «Мотоцикл МВ-650М» р-ли, инвен №3713 ав-на, б/б 888 900 сўм, с/б 1 024 000 сўм, «Фаргона вилотти касаб» уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси

кенгашига қ-ли, 1997 йилда и/ч, «Тико» р-ли, д/р 40/865DAA, ав-на, б/б 6 690 000 сўм, с/б 10 450 000 сўм, «Наманган вилотти касаб» уюшмалари ташкилотлари бирлашмасига қ-ли, 1997 йилда и/ч, «Дамас» русумли д/р 50/752EAA ав-на, б/б 4 267 000 сўм, с/б 4 945 000 сўм, «Анджон вилотти касаб» ушмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашига қ-ли, 2008 йилда и/ч «Лада-21154-120-20» р-ли, д/р 60/726QAA, ав-на, б/б 7 553 000 сўм, с/б 8 752 000 сўм, 1996 йилда и/ч, «Тико» р-ли, д/р 60/725QAA ав-на, б/б 3 516 000 сўм, с/б 4 521 000 сўм, 1996 йилда и/ч, «Эсперо» р-ли, д/р 60/728QAA, ав-на, б/б 9 310 000 сўм, с/б 10 826 000 сўм, 1998 йилда и/ч, «Тико» р-ли, д/р 60/729QAA ав-на, б/б 4 009 000 сўм, с/б 5 109 000 сўм, «АСМХ ходимлари касаб» уюшмаси Хўжабод туман кенгашига қ-ли 1989 йилда и/ч, «ВАЗ-2107» р-ли, д/р 17АА613, ав-на, б/б 1 328 000 сўм, с/б 1 541 000 сўм, «АСМХ ходимлари касаб» уюшмаси Балиқчи туман кенгашига қ-ли 1998 йилда и/ч, «Тико» р-ли, д/р 60/726LAA, ав-на, б/б 3 703 000 сўм, с/б 4 726 000 сўм, «АСМХ ходимлари касаб» уюшмаси Пахтабод тумани кенгашига қ-ли 1995 йилда и/ч, «Дамас» р-ли, д/р 60/403EAA ав-на, б/б 6 043 000 сўм, с/б 7 005 000 сўм, «АСМХ ходимлари касаб» уюшмаси Анджон туман кенгашига қ-ли 1997 йилда и/ч, «Дамас» р-ли, д/р 60/197GAA ав-на, б/б 7 048 000 сўм, с/б 9 878 000 сўм, «АСМХ ходимлари касаб» уюшмаси Мархамат туман кенгашига қ-ли, 1996 йилда и/ч, «Тико» р-ли, д/р 17АЕ805 ав-на, б/б 3 972 000 сўм,

с/б 4 608 000 сўм, «АСМХ ходимлари касаб» уюшмаси Избоскан туман кенгашига қ-ли 2000 йилда и/ч, «Тико» р-ли, д/р 60/016HAA ав-на, б/б 4 524 000 сўм, с/б 5 795 000 сўм, «АСМХ ходимлари касаб» уюшмаси Асака туман кенгашига қ-ли 1991 йилда и/ч, «Москвич ИЖ-412» р-ли, д/р 60/946КАА, ав-на, б/б 705 000 сўм, с/б 824 000 сўм ҳамда 2006 йилда и/ч, «Нексия» р-ли, д/р 60/203AAA, ав-на, б/б 18 965 000 сўм, с/б 21 961 000 сўм.

17.00гача куйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш «Аукцион» савдолари бошланганидан 1 кун олдин соат 12.00да тўхта-тилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Заказат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг мулк бошлангич баҳосининг 15 (он беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини «Auto Trade Cooperation» МЧЖ Бухоро вилотти филиалининг АТИБ «Ипотека банк», МФО: 00119, СТИР: 302477464, 20208000705015685002 хисоб рақамига тўлашлари ва куйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак. Аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлантирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закатат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Иктиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

«Auto Trade Cooperation» МЧЖ Бухоро вилотти филиали очик аукцион савдоларида тақлиф этади!

2013 йил 17 октябр куни соат 12.00да бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган такрорий аукцион савдоларида «Қишлоқхўжалиқим» ХАЖ Пешку туман филиалига қ-ли, 1997 йилда и/ч, ТИКО р-ли, д/р 60/631QAA ав-на куйидади. Аукцион савдолари «Auto Trade Cooperation» МЧЖ Бухоро вилотти филиалининг биносиде ўтказилади.

Мазкур автотранспорт воситаси юқоридеги санада сотилмай қолган тақрида 2013 йил 24, 31 октябр куни соат 12.00да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларида мунтазам равишда чиқарилиб боради. Аукцион савдоси голиби савдо ўтган кундан бошлаб 20 (ийгирма) иш куни ичиде сотувчи билан автотранспорт воситаси олди-сотиш шартномасини тўзати. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10.00дан

ТОПҚИРЛИК МАШҚЛАРИ

КРОССВОРД D. ҳарфи

бўйича «занжир ҳолида»: 1. Билим ва маърифат ҳомийси, «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асариде қайд этилган «Олим кишилар ҳар ерда азиз ва хурматлидурлар» таърифи муаллифи. 2. Мухим воқеа-ҳодисалар даврларига кўра қайд этилган манба. 3. Мумтоз мутафаккир шоир Абулқосим Фирдавсий ҳикматидан: «Худо берганларин ... султони, ...ку аслида юрак посбони.» 4. Ўзбек алифбосиде қўлланилаётган ёзув. 5. Муסיқа асарининг ёзма матни.

О. ҳарфи бўйича «занжир ҳолида»: 6. Абу Али ибн Синонинг форс тилида ёзган фалсафий асари. 7. Илм-фаннинг бир неча соҳаларини мукамал эгаллаган киши, қомусий олим. 8. Тўрт арифметик амалнинг бири. 9. Устоздан билим, ҳунар ўрганувчи.

Н. ҳарфи бўйича бўйича: 10. Ўқув-тарбия муассасаларида ахлоққа оид таълим бериладиган фан соҳаси. 11. Ўз даврида расадхона бунёд этган ўзбек астороним олими, нодир асарлар муаллифи, те-мурийзода ҳукмдор.

Диagonal бўйича ўннга: 10. Ўзбек устоз адиби, академик, Алишер Навоий ҳақидаги тарихий асарлар муаллифи.


О. ҳарфи бўйича «занжир ҳолида»: 12. Бир халқнинг бадиий, илмий, фалсафий ва бошқа асарлари мажмуи. 13. Асарни ҳар жиҳатдан ўрганиш. 14. Илмий текширишлар, тажрибалар олиб бориладиган муассасанинг илмий-техник вазифаларни ба-жарувчи ходими. 15. Олий ёки ўрта махсус илмгоҳ ўқув-чиси.

М. ҳарфи бўйича бўйича: 16. Юқори лавозимли олим, адиб, расом. 17. Ясавий авлодидан бўлган маърифат-парвар, «Падарқуш» асари билан драматургиямига асос солган ижодкор.

Диagonal бўйича чапга: 16. Билимини эгаллашда куйиладиган энг юқори баҳо.

Диagonal бўйича ўннга: 17. Ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасига кўра қуйиладиган балл.

У. ҳарфи бўйича «занжир ҳолида»: 18. Илм ва ҳунар ўрганишга бўлган ниҳоятда қу-чли қобилият, лаёқат. 19. Ўқув машғулот. 20. Қадимги юнон филологиясининг шарқдаги номи. 21. Муайян мақсадда амалга ошириладиган билиш,



аниқлашга қаратилган фаолият. А. ҳарфи diagonali бўйича чапга: 22. Беш балли баҳо тизимида аълодан кейинги баҳо. 23. Қадимги юнон муаррихи Геродот асос солган ва шу номда асар ёзиб қолдирган фан. Диagonal бўйича ўннга: 22. Мамакатимизда қўлланилаётган имтиҳон олиш тури. 24. «Кимни?» сўроғига жавоб берувчи келишчи. Энига: 25. Иш ҳаракатнинг белгисини, пайтини, ўрнини, ҳолатини, даража ва миқдорини билдирадиган сўз туркуми. Л. ҳарфи бўйича бўйича: 26. Юртбошимиз таърифи: «Куч — ... ва тафаккурда». 27. Умумий таълим ва тарбия маскани. 28. Доска «қалам». 30. Илм, ҳунар, тажриба каби-лардан малакага эгалик. 31.

Алишер Навоий ёшлигидан «Оламда энг азиз дўст» деб, улуғлаган манба. Энига: 29. Мирзо Улуғбекнинг устози, Самарқандда ил-мий мактаб яратилганига катта ҳисса қўшган риёзӣёт ва фалакийёт олими. 32. Ўзбек мумтоз адабиётдан ёзма иш. Диagonal бўйича чапга: 38. Тўғри ёзиш қоидалари мажмуи. МУАММОНОМА Калит сўзлар: 1. Алгебра фани асосчиси, ўрта аср қомусий олими, ватаидошимиз — 15, 10, 4, 1, 7, 6, 2, 22. 2. Кайковуснинг азиз фарзандига ёзиб қолдирган, шарқда махшур ахлоқ-тарбия мазмунидаги нодир асари — 25, 10, 12, 14, 13, 8, 10, 6, 1. 3. Алишер Навоий замондоши, миниатюра санъати на-

ҳар бир қисми. М. ҳарфи бўйича бўйича: 37. Олий ўқув юрти. 38. «Ўргимчак тўри» таърифини олган умумжаҳон компютер тармоғи. Диagonal бўйича ўннга: 37. Ўқув юртиларда она тили ва адабиётдан ёзма иш. Диagonal бўйича чапга: 38. Тўғри ёзиш қоидалари мажмуи. МУАММОНОМА Калит сўзлар: 1. Алгебра фани асосчиси, ўрта аср қомусий олими, ватаидошимиз — 15, 10, 4, 1, 7, 6, 2, 22. 2. Кайковуснинг азиз фарзандига ёзиб қолдирган, шарқда махшур ахлоқ-тарбия мазмунидаги нодир асари — 25, 10, 12, 14, 13, 8, 10, 6, 1. 3. Алишер Навоий замондоши, миниатюра санъати на-

моёндаси, ўзбек мумтоз му-саввири — 12, 17, 18, 7, 7, 10, 11. 4. Ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юрти — 9, 10, 3, 3, 17, 27. 5. Мумтоз мутафаккир шоир Саъдий Шерозийнинг ахлоқий мазмунидаги асари — 5, 14, 3, 2, 13, 20, 10, 8. 6. Билим бериш, малака ва кўникмалар ҳосил қилиш жа-раёни — 20, 1, 26, 3, 2, 6. 7. Амалларни ҳисоблашда ишлатиладиган мослама — 24, 16, 20. Энди калит сўзлари жа-во-лари асосида шаклдаги ра-қамларда яширилган муаммо-номани хал этинг. Бунда улар-дан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шўхрат қаламига мансуб тўрт мисра ибратли шеърни билиб олиса.

Фозилжон ОРИПОВ

Солиқ идораларида

Мамакатимизда экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада рағбатлантириш, ички тармоқ ва тармоқларо корхоналар ўртасидаги саноат кооперациясини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг 2011 йил 29 июлдаги «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи бўмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш бўйича 2011-2013 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори соҳа ривожиде туб бурилиш ясади.

Қулай имтиёзлар

Мазкур қарорга кўра, 2014 йилнинг 1 январига қадар бўлган даврда четдан олиб келинадиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик асбоб-ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қис-млари, шунингдек, маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологик жараёнида фойдаланиладиган компонентлар учун божхона тўловлари (божхона расмийлантирувчи йи-ғимларидан ташқари) тўланмайдиган бўлиди. Шу билан бирга, корхоналар маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқари-рилган маҳсулотлар бўйича фойда солиғи, ягона солиқ тўлови (солиқ солишининг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган субъектлар учун) ҳамда асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилинди. Бир сўз билан айтганда, ушбу қарор тегишли тармоқ корхо-наларини ривожлантириш, замонавий юқори умумий техника ва технология билан жиҳозланган корхоналарни жадал барпо этиш, шу асосда янги иш жойларини шакллантириш, қолаверса, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган арзон ва рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришга йўналтирилган. Бу борада тумани-мизда ҳам муайян ишлар олиб боришмоқда. Худуддаги мав-жуд 18 та корхона қарорда белгиланган имтиёزلардан самарали фойдаланмоқда. Натияжа, жорий йилнинг биринчи ярмида 388,6 миллион сўм ушбу корхоналар ихтиёрида қолдирилди.

Иззат ТАНГРИЕВ,  
Тошкент шаҳар Учтепа туман  
ДСИ бўлим бошлиғи

Сохта банкротлик нима?

Бугунги кунда сохта банкротлик, банкротлиқни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш нафақат кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда, балки бюджетга тўловлар тўшмай қолишининг олдини олишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 14 августида қабул қилинган «Сохта банкротлик, банкротлиқни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори бундай иқтисодий қонунбузар-ликларга чек қўйишда муҳим аҳамият касб этади. Қарорга кўра, суд бошқарувчиси томонидан корхонанинг бан-кротлик жараёнини бошлашдан олдин қарздорнинг икки йилгача бўлган фаолияти таҳлил қилиниши, яъни қарздорнинг таъсис ҳуж-жатлари, молиявий ҳисоботлари, қарздорнинг мол-мулки бошқа-ларга ўтказилганлиги, активлар таркиби ўзгарганилиги, кредиторлик қарзлари қўлайганлиги ёки қамайганлиги асос бўлган шартнома-ларни кўриб чиқиши шарт. Шундан сўнг суд бошқарувчиси қарз-дорнинг кредиторлари олдида сохта банкротлик аломатлари бор ёки йўқлиги тўғрисида ҳулоса беради. Сохта банкротлик, банкротлиқни яшириш ёки қасддан бан-кротликка олиб келиш аломатлари мавжудлиги тўғрисидаги ҳулоса имзолагандан кейин 10 иш кундан кечиктирилмай кредитор-лар йиғилишига, ҳўжалиқ суди ва прокуратура органларига тақ-дим этилиши белгиланиб, бу билан мазкур масалда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар жавобгарлиги оширилган.

Б.БОЙКОВ,  
Учтепа тумани ДСИ СКМУ  
бўлими бошлиғи

Advertisement for O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. Includes contact information for Bosh muharrir o'rinbosari Zayniddin Rixsiyev, Tahrir hay'ati (Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadiyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev), Muassis, O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi, and a list of Bo'limlar (Kasaba uyushmalari hayoti, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport, Viloyatdagi muxbirlar) with phone numbers and addresses. Also includes Manzilimiz, Navbatchi muharrir, and Gazeta ishonchning kompyuter markazida terifi.